



ПЕДАГОГНИНГ ЎҚИТУВЧИ ВА ТАРБИЯЧИ СИФАТИДАГИ КАСБИЙ МАҲОРАТИ

ЭРГАШЕВА УМРИНИССО КОМИЛОВНА

“UNIVERSITY OF BUSINESS AND SCIENS”

Нодавлат олий таълим муассасаси ўқитувчиси

Аннотация: Хар бир миллатнинг педагоги ўқитувчи тарбиячиси юксак педагогик ва касбий маҳоратга, одоб ахлоқга эга булиши керак. Шундагина у хакикий ўз касбининг устаси бўлади. Ушбу мақолада педагогнинг ўқитувчи ва тарбиячи сифатидаги касбий маҳорати хакида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: педагогик маҳорат, эстетик тизим тарбия касб

Аннотация: Учитель воспитатель каждой нации должен иметь руководство по педагогическим навыкам чтобы стать моральным. Только тогда педагог станет настоящим мастером своей профессии. Это статья о навыках педагога преподавателя.

Калит сўзлар: тарбиячи, педагогик маҳорат, ижтимоий жамият, қобилият, тарбияланувчи, ҳиссиёт ва ирода

“Биз таълим ва тарбия тимизмининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев айтиганларидек тарбия тизимини такомиллаштириш бу хар бир педагог ва шахснинг энг катта вазифаси хисобланади.

Ҳар қандай жамиятда баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказиш ва уни маълум бир касбга йўналтириш оғир ва машаққатли меҳнат эвазига амалга оширилади. Бу машаққатли меҳнат узлуксиз таълим ва тарбиявий фаолиятнинг маҳсулидир Мамлакатимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жихатдан педагог, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодга таълим бериш ва баркамол инсон даражасида тарбиялаб, вояга етказишга нисбатан шижоатига боглиқ. Ҳар қандай таълим муассасасида тарбиявий жараён бевосита ўқитувчи томонидан ташкил қилинади ва олиб борилади. Янгича ижтимоий шароитда таълим- тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари машғулот ва қўшимча тўғараклар хилма-хил тарбиявий фаолиятларини уюштириш, уларни



билимли, одобли, эътиқодли, ватанпарвар, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ва касбга йўналтириш ўқитувчи тарбиячи зиммасига юклатилган. Кўпчилик ёш ўқитувчиларда, таълим бериш маҳоратига қараганда тарбиячилик маҳоратини эгаллаш жараёни қийин кечади. Албатта, бунинг объектив сабаблари бор: тарбия тушунчаси, инсоннинг ақлий имкониятларини ривожлантириш, ахлоқан пок, эстетик дидли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш омили бўлиб, таълим бериш кўникмаларини эгаллашга қараганда кенг маънодаги тушунча бўлганлиги учун доимо зиддиятларга ва тасодифий ҳодисаларга бой. Тарбия - ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этувчи педагогик фаолият бўлиб, тарбияланувчини маълум бир мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун шахсга мунтазам ва тизимли таъсир этиш, жамиятнинг ижтимоий- тарихий тажрибаларига ёндашиб шахсни ҳар томонлама шакллантириш, унинг хулқ-атвори ва дунёқарашини, ижтимоий онгини таркиб топтиришда халқнинг бой мафқураларига йўналтиришган қизгин фаолият жараёнидир.

Тарбия асосида тарбияланувчининг онги шаклланади, маънавий бойлиги ва ҳис-туйғулари ривожланади, ўзида ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиш учун зарур бўлган, кишилар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этишга хизмат қиладиган ахлоқий одатлар ҳосил бўлади. Тарбия жараёнида жамиятнинг шахсга нисбатан ахлоқий талабларига мувофиқ келувчи хулқий малака ва одатларини ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига ўқитувчи томонидан педагогик маҳорат қонуниятлари асосида таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришш қийинлашади. Тарбиянинг моҳияти ва мазмуни мамлакатнинг ижтимоий- сиёсий мақсадларини ифодалайди, жамиятнинг фуқаролар олдида қўядиган талабларидан келиб чиқиб асосланади. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқлиги қадимдан ўз исботини топган. Бунга мисол қилиб 10 асрда яшаб ижод қилган бобокалонимиз Абуносир Ал Фаробийнинг фикрини келтириш мумкин "Агар касб хунар фазилати туғма бўлганда подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас. балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган табиий мажбурият бўлиб қолар эди

Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган тарбиянинг асосий мақсади баркамол авлодни тарбиялаб вояга



етказишдан иборат. Зеро, “Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосларини куриш деганидир”

Таълим тарбия жараёнини олиб боришда тарбиячи педагогнинг муаммоларини кўриб чиқамиз

- 1) Касбига қизиқмаслик
- 2) Маошнинг камлиги
- 3) Етарли даражада шароити йўқлиги
- 4) Рухий зуриқиш
- 5) Турли хил ташқи омилларни таъсири
- 6) Билим кўникма малака етишмаслиги
- 7) Касбий маҳоратини йўқлиги
- 8) Таълим стандартларидан чиқа олмасли
- 9) Ўқувчиларни қизиқиши йўқлиги

Энди муаммони ечимини топишга утамиз:

Хозирги кунда кўпчилик ёшларимиз касб танлашда унинг маоши ва мартабасига номдарлигига эътибор қаратмоқда ёки ота онаси дустлари қариндошлари томонидан танлаб берилган касб эгаси булиб ўзлари қизиқган касб эгаси бўла олишмаяпти. Агар манашу ёш авлодга мактабгача таълим давридани бошлаб туғри касб танлашга ўргатиб борилса улар келажакда ўз касбинини етук мутаххасиси булишади. Хозирги кунда замон билан ҳамнафас яшаш учун барча техник вотиалар билан таъминланган барча шароитлари бор муассаса мактаб ва олий таълим муассасалари булса педагог бор маҳоратини ишга солиб дарс беради Дарс машғулоти учун ўқув қулланма ва мажмуалар етарли булса ёшлар узлари истаган ахборотни топиб ўқиб изланишади. Техника асрида яшайганимиз бугунки кун ёшларига ўз таъсирини ўтказмоқда уларда куп нарсага осонлик ва тезлик билан эришишни хоҳлайди.

Ёшларимиз боқиманда ва дангаса бўлиб қолмасликлари учун биз таълим тарбия жараёнини мактабгача таълимдан бошлашимиз у ерда фаолият олиб бораётган педагогларни касбий маҳоратини ошириб боришимиз шарт

Тарбия хусусида таниқли ўзбек адиби Абдулла Авлонийнинг “Ал- ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот - ё фалокат, ё саодат — ё разолат масаласидур” деб айтган фикрлари барча миллат вакилларининг тарбиясига мос келувчи ҳақиқатдир. Ушбу фикрлардан англаниладики,

1 Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Тошкент, Ўқитувчи, 1992. Шахс тарбияси хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ва давлат ишидир. Ўзининг касбий маҳоратини эндигина бошлаган ёш ўқитувчиларда



тарбиячилик маҳоратининг куникма ва малакаларини эгаллаш қийин шаклланади. Бунга асосан, ёш педагогларда касбий сифатлар тизимини эгаллаш ҳаракати билан боғлиқ субъектив сабаблар мавжуд бўлади. Бу нимани назарда тутати? Педагог зиддиятли вазиятларда ўқувчилар орасида ўзини тута билиши, хилма-хил тарбиявий усуллардан фойдаланиб, кўзланган мақсадига эришиши тарбиячилик маҳорати билан боғлиқ. Педагогик фаолиятни эндигина бошлаган тарбиячи-ўқитувчи жазолаш усулларини кўпроқ эгаллашга ҳаракат қилади. Улар олдида тарбиявий мақсадларга эришишнинг омили сифатида «қандай жазоламоқ керак?» муаммоси барча тарбиявий масалаларни ҳал қилувчи восита сифатида намоён бўлади. Ўқитувчи тарбиячилик фаолиятининг мазмунида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс хулқ-атвори ҳамда сифатларини моҳияти акс этади. Педагог шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳиятидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, кишилик муносабатлари моҳияти ва даражаси, шунингдек, жамият мафкураси ғоялари асосида белгилайди. Шу билан бирга, тарбиявий фаолият аввало ўқитувчининг педагогик маҳорати, юксак ташкилотчилик фаолиятига ҳам боғлиқдир:

1. Педагогининг тарбиячилик маҳорати - ўқувчилар дунёсига кириб боришида, уларнинг меҳрига сазовор бўлишида, таълим муассасасидаги педагогик фаолиятни тўғри ва маълум бир мақсадга йўналтира олишида намоён бўлади.

2. Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати - бу мактаб ўқувчисини ҳар тарафлама ривожлантирувчи педагогик вазиятларни тўғри ташкил қила олиш малакасидир.

3. Педагогнинг тарбиячилик маҳорати - бу «тарбиячичи-тарбияланувчи» муносабатини бир зумда ижобий томонга ҳал қилиш эмас, балки тарбияланувчилар жамоаси ва алоҳида шахсга тарбиявий таъсир этиш, жамоада тарбиявий муҳитни бир маромда ташкил қилишдир.

4. Педагогнинг маҳорати - бу фақат касбий билимларни мукамал эгаллаш эмас, балки тарбия қонуниятлари ҳамда ўқувчилар жамоаси ҳаётини ташкил қилиш қонуниятларидан келиб чиқадиган усул ва методларнинг амалиётга ижодий татбиқ этишидир.

5. Билим ва унга асосланган кўникма ва малакалар - ўқитувчи тарбиячилик маҳорати моҳиятини асоси ҳисобланади. Ўқитувчидан тарбиячи сифатида интеллектуал қобилиятлар тизимига эга бўлиш талаб



этилади. У тарбиячи сифатида ўзида ушбу қобилиятларни йиллар давомида шакллантириб бориши зарур.

Ўз фаолиятини эндиgina бошлаётган педагог ва доимий изланишда бўлган тажрибали ўқитувчи ҳам тарбиячилик маҳоратига замин яратувчи куйидаги жараёнларни билиши керак:

- ҳар қандай педагогик вазиятларда ўқувчининг ички ва ташқи дунёсини тўғри тушуниш малакаси;

- педагогик вазиятларни тўғри идрок қилиш учун диққатни жамлаш; - тарбияланувчиларга ишонч ва талабчанлик;

- тарбиявий вазиятни ҳар томонлама пухта баҳолай олиш қобилияти; - хилма-хил педагогик фактлардан ўзи учун энг муҳимини ажрата олиш қобилияти;

- зиддиятли тасодифий ҳолатларда иккиланмасдан тўғри қарор қабул қилиш; - тарбияда таъсир этишнинг турли усулларида фойдалана олиш қобилияти; - фикр ва мулоҳазаларини сўз билан, мимика ва пантомимик ҳаракатлар билан ўқувчи онгига аниқ етказа олиш;

- дарс ва дарсдан (тугарак машгулот) ташқари фаолиятда ўқувчилар билан коммуникатив алоқа ўрната олиш қобилияти;

- ўқувчилар онгида эркинлик ва ташаббускорликни, ўз фикр мулоҳазаларини кўрқмасдан баён қилиш кўникмапарини тарбиялаш;

- қийин ҳолатларда ўқувчиларга ёрдам бера олиш;

- тарбиявий тадбирларни ўтказишда ўқувчилар жамоаси билан доимо маслаҳатлашиш;

- ўтказилаётган тарбиявий тадбирлар юзасидан ўқувчиларнинг фикрларини ўрганиш;

- ўз-ўзини бошқаришнинг турли шакпларидан унумли фойдаланиш;

- ҳар бир ўқувчининг яширин ижобий фазилатларни кўра олиш ва такомиллаштириш;

- ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқишига қараб тоифаларга ажратмаслик, бир хил муносабатда бўлиш.

2. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмлари

Педагогикада ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати доимий ўзгариб турадиган, жамият талабларидан келиб чиқиб, тўлдирилиб бориладиган бир бутун тизимга эга. Унинг бир-бири билан боғлиқ куйидаги таркибий

қисмлари ўқитувчининг тарбиявий фаолиятида муҳим йўналишлар бўлиб доимо, мазмунан бойитилиб борилади: Тарбияда мақсаднинг аниқлиги.



Ўзбекистон Республикаси ижтимоий- сиёсий мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда амалга оширилиши кўзда тутилаётган тарбиявий мақсад аниқ белгилаб олинган ва ўқитувчи зиммасига улкан масъулият юкланган. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига кўра ўқитувчига жамиятимиз томонидан қўйилаётган мақсад - эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлган комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий вазифа - бу шахсда умумий маданият унсурларини, яъни, ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда меҳнат маданиятини тарбиялашдан иборат. Технологик тизим ёки тарбия технологияси бу педагогик метод, усул ва воситапарни режали ва қўрилган натижаларга эришишга имкон берадиган, шахсга ва жамоага аниқ таъсир кўрсатадиган жиҳатларини танлаш тизимидир. Бу тарбиячи-ўқитувчининг ўқувчилар амалий фаолиятини тўғри ташкил қила олиши ва бошқаришининг кўникма ва малакаларига эга бўлишидир. Технологик жараён натижаларидан асосий мақсад, тарбиячи ижодий изланишлар туфайли, ўқувчилар ташаббускорлигини таъминлайди. Тарбиячи-ўқитувчининг ўқувчилар ўз-ўзини бошқа риш уюшмалари билан ҳамкорликда ишлаши билан мураккаб масалапарни ҳал қилиш учун вақт ажратади. Технологик тизимда тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни муваффақиятли уюштириш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Уюшқоқлик билан ўтказилган тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини, билиш тафаккурини, касб танлашга нисбатан қизиқишини, эркин фикрлашларини, ўз фикр - мулоҳазаларини чўчимас дан тўғри тасаввур билан баён этиш тушунчаларини шакллантиради. Педагогнинг маҳорати ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашувни топиш, ўқувчи истеъдодида намоён бўладиган ҳолатларда унинг фаоллигини оширишга қаратилади. Тарбиячи-ўқитувчи томонидан уюштирилаётган тарбиявий тадбирларга қўйиладиган асосий талаблар: тарбиивий тадбирлар ҳеч қачон тасодиқий бўлмаслиги ва ҳар бир тадбирга пухта тайёргарлик кўрнлиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чикиб хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки бугунки кун ўқувчи ёшлари педагогга катта қизиқиш ва эътибор билан қарайди. Улар ўқитувчи педагогдан ҳар куни турли янгиликлар қидиришади. Педагогни бор касбий маҳоратини кўришни педагог билан ўзаро фикр



алмашишни Яна педагог хорижий тиллардан бирортасини пухта эгалласа бу ўқувчилар активлиги ва қизиқишини янада ортиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент “Ўзбекистон” 2007 й. -39 б. . <https://constitution.uz/uz/clause/index>.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ-637-сон
3. Қонуни. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1059-сонли Қарорига 1-илова.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон. <https://lex.uz/docs/4646908>.
6. Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312- сон Қарорига 1-илова.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрь. «Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 802-сонли Қарори. “Умумий типдаги давлат ва нодавлат мақтабгача таълим ташкилотлари тўғрисида” Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли “Мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига 1-илова.
8. Илк ва мақтабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрь. «Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 802-сонли Қарорига 1-илова.
9. “Илк қадам” Мақтабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. Тошкент-2018 йил.
10. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т.: ТДПУ, 2003.
11. Ўзбекистон республикасининг таълим туғрисидаги қонуни 23.09.2020.
www.ziyouz.com kutubxonasi